


**«РУЙХАТГА ОЛИНГАН»**  
Қарши шаҳар давлат хизматлари  
марказининг

2022 йил «07» 06 даги  
509975 сонли реестр рақами билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
"Qashqadaryo texnologik transport"  
aksiyadorlik jamiyati акциядорлари  
умумий йиғилишининг



2022 йил «12» майдаги 1-сонли  
қарори билан

**«Qashqadaryo texnologik transport»  
aksiyadorlik jamiyatining**

**УСТАВИ**

(янги таҳрирда)

## **1. Жамиятнинг юридик мақоми, фирма номи, жойлашган жойи ва электрон почта манзили.**

1.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:  
**«Qashqadaryo texnologik transport» aksiyadorlik jamiyati;**

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:  
**«Qashqadaryo texnologik transport» AJ;**

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:  
**Акционерное общество «Qashqadaryo texnologik transport»;**

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:  
**АО «Qashqadaryo texnologik transport»;**

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:  
**Joint-Stock Company «Qashqadaryo texnologik transport»;**

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:  
**JSC «Qashqadaryo texnologik transport».**

1.2. Бундан буён матнда “жамият” деб аталувчи «Qashqadaryo texnologik transport» aksiyadorlik jamiyatining жойлашган ери ва почта манзили:

**Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй, индекс: 180100 а/я-17.**

Жамиятнинг электрон почта манзили: **qashqadaryotextrans@mail.ru.**

1.3. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.8. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

## **2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади.**

2.1. Жамият фаолиятининг мақсади:

- ўз фаолияти натижасидан фойда олиш;  
- хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш истиқболли йўналишларини жамият аъзоларининг ижтимоӣ ва иқтисодий эҳтиёжларини кўпроқ кондиришга қаратишдан иборат.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар саналади:

- “Ўзбекнефтгаз” МХК тизимидаги корхона ва ташкилотларга транспорт ва махсус техникалар хизматини кўрсатиш;  
- буюртмачиларга транспорт хизматини кўрсатиш;

- барча ташкилот, корхона, бирлашма, давлат ва хусусий фирмалар билан мустақил ўзаро шартномалар тузиш;
- транспорт воситаларини харид қилиш;
- моддий техника базасини ривожлантириш мақсадида илғор технология ва асбоб ускуналарни сотиб олиш;
- янги иш ўринлари ташкил этиш эвазига аҳолининг бандлик муамосини хал этишда ҳамкорлик қилиш;
- жамият ўзининг юкоридаги асосий вазифаларини бажариш билан биргаликда қуйидаги фаолиятлар билан ҳам кўшимча равишда шуғулланади:
  - талаб ва таклифларга кўра аҳоли, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга пуллик савдо-тижорат, транспорт, қурилиш, таъмирлаш, техник ва маиший хизмат кўрсатиш фаолиятларини ташкил этиш;
  - ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида умумий овқатланиш корхоналари, чойхоналар, ошхоналар, нонвойхоналар ва қандолатчилик цехлари очиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш;
  - савдо-ҳарид, савдо воситачилик ва комиссия қамда прокат хизматларини ташкил этиш;
  - автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
  - ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, ёрдамчи хўжаликда чорвачилик ва қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш;
  - биржа ва ярмаркаларда хом-ашё, полуфабрикатлар, машина ва механизмлар ва бошқа турдаги махсулотларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда алмаштириш;
  - қўшма корхоналар ташкил этишда иштирок этиш;
  - ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
  - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган, аҳоли эҳтиёжи ва жамият учун фойдали бўлган ҳар қандай хўжалик фаолиятини амалга ошириш.

2.3. Жамият ўз фаолиятини амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартибда амалга оширади. Махсус рухсатнома талаб қилинадиган фаолият турини қонунда белгиланган тартибда рухсатнома олганидан кейингина амалга оширади.

### **3. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори.**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият Устав жамғармасининг миқдори 5 730 572 000 (беш миллиард етти юз уттиз миллион беш юз етмиш икки минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 106 (бир юз олти) сўм бўлган 54 062 000 (эллик тўрт миллион олтмиш икки минг) дона акцияларга, шундан 53 658 400 (эллик уч миллион олти юз эллик саккиз минг тўрт юз) дона эгаси ёзилган оддий ва 403 600 (тўрт юз уч минг олти юз) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

### **4. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари.**

4.1. Жамият томонидан 53 658 400 (эллик уч миллион олти юз эллик саккиз минг тўрт юз) дона эгаси ёзилган оддий ва 403 600 (тўрт юз уч минг олти юз) дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

4.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 100 000 000 (бир юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 10 000 000 (ўн миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

4.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 106 (бир юз олти) сўм.

## **5. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш ва камайтириш.**

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.6. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

5.7. Қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталдаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи назарда тутилади.

5.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.10. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келатган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.11. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

5.12. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

5.13. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорида белгилаб қўйилади.

5.14. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.15. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.16. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.17. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.18. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.19. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

## **6. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари.**

6.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

6.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

6.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

6.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

6.5. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

## **7. Жамиятнинг фондлари.**

7.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира, уй-жой фондлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш фонди ташкил этилади.

7.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

7.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.6. Уй-жой фондини шакллантириш кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш шarti билан жамият соф фойдасидан ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

7.7. Уй-жой фондининг маблағлари жамият ишчи-ходимларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида «Уй-жой жамғармасини молиялаштириш ва тақсимлаш тўғрисида»ги низомга асосан ишлатилади.

7.8. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини шакллантириш кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш шarti билан жамият соф фойдасидан ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари эвазига амалга оширилади.

7.9. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондининг маблағлари ходимларни меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, уларни соғломлаштириш ҳамда жамиятнинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низоми асосида бошқа мақсадларга йўналтирилади.

7.10. Жамият қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

## **8. Дивидендларни тўлаш.**

8.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8.3. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибиде талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

8.4. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

8.5. Жамиятнинг имтиёзлари акциялари бўйича акцияларнинг номинал қийматидан 25 (йигирма беш) фоиз миқдорида дивидендлар тўланади.

8.6. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 125 фоизини ташкил қилади.

8.7. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 37 моддасида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акцияларни жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 125 фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади.

## **9. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари.**

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) жамиятнинг бошқарув органларидир.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жорий йилнинг иккинчи чорагида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашинини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади, жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бундан мустасно.

9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

2) жамиятни қайта ташкил этиш;

3) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва уни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини

қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

9) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

10) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

11) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

12) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

13) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

14) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

15) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

17) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам максимал миқдорини аниқлаш. Бунда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдамга жамиятнинг ҳар йилги харажатлари ўтган йилнинг соф фойдасининг 03 фоизидан ошмаслиги лозим ва жамият бизнес режасининг кўрсаткичлари олдинги ҳисобот йилнинг соф фойда қисмида бажарилган бўлса амалга оширилади;

18) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) мазкур жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йулллари билан етказилади.

Агар жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

9.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) 1 майдан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.12. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

9.13. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

9.14. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

1) жамият ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;



2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

10) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

11) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

12) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

13) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

14) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

15) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

16) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

17) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

18) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

19) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

20) жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш масалалари ҳал этиш;

21) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

22) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

23) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

24) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

25) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

26) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

27) Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради.

9.15. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

9.16. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.17. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат.

9.18. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

9.19. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9.20. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

9.21. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

9.22. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

9.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

9.24. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.25. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

9.26. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.27. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

9.28. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.29. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг, шунингдек ички аудит хизмати бошлиғи ва жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.

9.30. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

9.31. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.42. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

9.32. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.33. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

9.34. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

9.35. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

9.36. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

9.37. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.38. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

9.39. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

9.40. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

9.41. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт.

9.42. Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг **кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади;**

9.41. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

9.42. Жамият бошқаруви 5 ( беш) кишидан иборат бўлиб (Бошқарув раиси, бошқарув раисининг ишлаб чиқариш буйича биринчи уринбосари, бошқарув раисининг автотранспорт ва махсус техникаларни ишлатиш буйича уринбосари, жамият бошқарув раисининг иктисод ва молиявий масалалар буйича уринбосари ҳамда бош хисобчи) уч йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар). Жамият бошқаруви аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда жамият бошқаруви раиси ҳал қилувчи овозга эга.

9.43. Жамият Бошқарув раиси жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Бошқаруви аъзолари эса жамият кузатув кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар). Бунда жамият бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов буйича саралаш асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.44. Жамият Бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга шартнома тузилиб , шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар уч йилда қарор қабул қилинади ва ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (кайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари булиши мумкин эмас.

9.45. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

9.46. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

9.47. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.48. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

9.49. Жамият кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

9.50. Жамият кузатув кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.51. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

9.52. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамиятнинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

9.53. Жамият Бошқарувининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.54. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.55. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- жамият номидан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатлари доирасида, жамият номидан битимлар тузиш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- штатларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш.

Жамият Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамият меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат (ҳуқуқ) ва мажбуриятларга ҳам эга.

9.56. Жамият Бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- жамият ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- жамият филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;
- жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши ва жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида жамият бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала жамият бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати жамият бошқаруви томонидан белгиланади;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

Жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **10. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш.**

10.1. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Агар жамиятда жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитаси мавжуд бўлса, ички аудит хизмати ушбу қўмитага ҳисобдор бўлади.

10.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

10.3. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

10.4. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

## **11. Якуний қоидалар.**

11.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

11.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

11.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

11.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

11.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

11.6. Жамият кузатув кенгаши ва ижроия органининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомда белгиланади.

11.7. Компания миноритар акциядор махфий ахборотлар, тижорат сирларига оид ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш билан Компания бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилишига йўл қўйилмайди.

11.8. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.